



Нима дейсиз, агар фарз қилинган (беш вақт) намозларни ўқисам, рамазон (ойи) рўзасини тутсам, ҳалолни ҳалол, ҳаромни ҳаром деб ҳисобласам

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: "Нима дейсиз, агар фарз қилинган (беш вақт) намозларни ўқисам, рамазон (ойи) рўзасини тутсам, ҳалолни ҳалол, ҳаромни ҳаром деб ҳисобласам, жаннатга кираманми?!", - деб сўраган одамга: "Ҳа",- деб жавоб бердилар. Ҳалиги одам: "Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, бунга заррача нарсани қўшмайман!",- деди.

[Тўғри матн] [Муслим ривояти]

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам фарз қилинган беш вақт намозни ўқиб, унга биронта нафл намозни қўшимча қилмасада, рамазон ойи рўзасини тутиб, бошқа нафл рўзаларни тутмаса-да, (Аллоҳ ҳалол қилган) барча нарсани ҳалол, ҳаром қилган нарсани эса ҳаром дея эътиқод қилган кишининг жаннатга киришини баён қилмоқдалар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65003>

